

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КИМСАНОВА ГУЛНОРАХОН АБДУРАШИДОВНА**

**ФИТОЭКДИСТЕРОИДЛАРНИ ЎСАЁТГАН ОРГАНИЗМ НУТРИЕНТ  
АССИМИЛЯЦИЯСИГА ТАЪСИРИ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Кимсанова Гулнорахон Абдурашидовна</b>	
Фитоэксдистероидларни ўсаётган организм нутриент ассимиляциясига таъсири .....	3
<b>Кимсанова Гулнорахон Абдурашидовна</b>	
Влияние фитоэксдистероидов на ассимиляцию нутриентов у растущего организма .....	21
<b>Kimsanova Gulnorakhon Abdurashidovna</b>	
Influence of phytoecdysteroids on assimilation of nutrients in growing organism .....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати	
Список опубликованных работ	
List of published works.....	41

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КИМСАНОВА ГУЛНОРАХОН АБДУРАШИДОВНА**

**ФИТОЭКДИСТЕРОИДЛАРНИ ЎСАЁТГАН ОРГАНИЗМ НУТРИЕНТ  
АССИМИЛЯЦИЯСИГА ТАЪСИРИ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/B203 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [microbio@academy.uz](mailto:microbio@academy.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кучкарова Любовь Салижановна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Матчанов Озод Таубалдиевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Шахмурова Гульнора Абдуллаевна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлади (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар залида. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: [microbio@academy.uz](mailto:microbio@academy.uz)).

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават, кутубхона. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Арипов Тахир Фатихович**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
б.ф.д., профессор, академик

**Жўраева Рохила Назаровна**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**Рахимова Тўра Узаковна**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда овқатланиш ва овқат ҳазм қилиш функцияларининг шаклланиши ҳамда ривожланаётган организмни керакли нутриентлар билан таъминланишини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки саломатликни сақланиши ва тикланиши, ўсиш ва ривожланиш жадаллиги, ақлий ва жисмоний ривожланиш овқатланиш сифатига ва ҳазм жараёнининг самарасига боғлиқ. Илк онтогенезда ҳазм тизими турли ижтимоий ва техноген омилларнинг таъсирига ўта таъсирланувчанлиги туфайли организмда озукани ўзлаштириш самараси осон издан чиқади. Ўсаётган организмда ҳазм жараёнининг силжиши эса барча функционал тизимларга, саломатликка, иш қобилиятига ва ҳаётининг кейинги босқичларига ҳам салбий таъсир қилади. Шу жиҳатдан тиббиётда қўлланилиб келаётган доривор моддалар орасида ўсимлик бирикмаларининг физиологик фаоллигини ва фармакологик таъсирини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда йирик илмий марказларда алиментар ва ноалиментар омиллар таъсирида организмда келиб чиқадиган салбий оқибатларни олдини олувчи ва коррекцияловчи хоссасига эга бўлган фитопрепаратларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада фитостероидларини анаболик, стресспротектор, антиоксидант, антирадикал, бактерицид, иммуномодуловчи, адаптоген, гипогликемик ва яллиғланишга қарши хусусиятлари аниқланган. Шу сабабли меъёрда ва стресс ҳолатларда углеводлар, оксиллар ва ёғлар парчаланишида иштирок этувчи гидролитик тизимларни шаклланишини, асосий озукани моддаларининг ассимиляциясини оптималлаштириш ҳамда ҳазм тизимининг етишмовчилигини олдини олиш ва даволаш учун полифункционал фаолликка эга бўлган фитостероидларнинг таъсирини аниқлаш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда маҳалий ўсимликлардан биологик фаол моддаларни ажратиш олиш ва улар асосида биопрепаратларни яратиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... биокўшимчалар, витаминлар ва бошқа озукани бирикмалари билан таъминлаш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларини амалга оширишда республикада *Ajuga turkestanica* ўсимлигидан ажратиш олинган фитостероидлардан туркестерон ва экистеронни ривожланаётган ҳайвонларни нутриент ассимиляциясига таъсирини аниқлаш катта илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда бутун дунё бўйича фитоэкдистероидларнинг организм, тўқима ва хужайра фаолиятига таъсири кенг миқёсда ўрганилмоқда. Турли функционал системалардаги метаболизм жараёнига ва хужайра апоптозига фитоэкдистероидларни адаптоген, иммуномодуловчи таъсири аниқланган Báthori et al., (2008); Denan (2008); Gorelick-Feldman (2015).

МДХ давлатларида А.А. Ахрем, В.А.Ковганко (1989), В.Н. Дармограй (2001); Н.П. Тимофеев (2005); Н. Петрова ва бошқ. (2011), ўсимлик экдистероидларини анаболик, стресспротектор, антиоксидант, антирадикал, бактерицид, гипогликемик ва яллиғланишга қарши таъсири кўрсатилган ().

Ўзбекистонда В.Н. Сыров, Г.А. Шахмурова, З.А. Хушбактова ва бошқалар томонидан стресс, гепатит, токсик анемия, нур касаллиги, гипергликемияларга айрим фитоэкдистероидлар ва уларни аралашмаларини иммуномодуловчи, адаптоген, метаболик жараёнларга таъсири аниқланган (Сыров В.Н. ва бошқ. 2008; 2009; 2012; Шахмурова Г.А. ва бошқ. 2009; 2010; 2011; 2012; 2013; 2016; Shakhmurova et al., 2010; 2012).

Фитоэкдистероидларнинг ҳазм тизимига таъсири И.И. Каримова (2012; 2014) ва унинг ҳаммуаллифларининг илмий ишларида келтирилган. Уларнинг тадқиқотларида оғир металл тузлари, масалан кўрғошин ионлари билан ҳайвонлар интоксикацияланганда ичакдаги α-глюкозидазалар фаолигини коррекциялаш учун экдистерондан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

Табиий шароитда фитоэкдистероидлар озуқа маҳсулотлари ва доривор моддалар таркибида меъда-ичак трактига тушиши қарамай, уларнинг ҳазм гидролитик тизимининг шаклланишига таъсири меъёрда ва стресс ҳолатда илк постнатал онтогенез даврида аниқланмаган. Маҳаллий ўсимликлардан ажратиб олинган фитоэкдистероидларнинг ингичка ичакдаги ҳазм гидролитик тизимларининг шаклланишига таъсирини ўрганиш мультифункционал позитив таъсир этиш спектрли препаратларни қўллаш эҳтиёжи билан белгиланди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети ва Андижон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси «Турли биологик фаол бирикмалар ва флавоноидларни организмдаги модда ва энергия алмашинуви жараёнларига таъсири» ҳамда «Биологик фаол моддаларнинг организмга таъсири» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фитоэкдистероидларни нутриент ассимиляциясига таъсирини меъёрда ва муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларда аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

илк постнатал онтогенезда углеводлар, оксиллар ва ёғларнинг гидролизиди иштирок этувчи ферментлар фаоллигини ривожланиш динамикасини ўрганиш;

фитоэкдистероидларни ўсаётган организм нутриентларининг бўшлиқ ва мембрана гидролизига таъсирини аниқлаш;

фитоэкдистероидларни муддатидан олдин она сутидан ажратилган ҳайвонларда нутриент ассимиляциясига таъсирини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** ўсаётган каламушлар, меъда ости бези, ингичка ичак, панкреатик  $\alpha$ -амилаза, протеазалар комплекси, триглицеридлипаза ҳамда энтерал карбогидразалар (мальтаза, сахароза, лактаза) глицил-L-лейцин дипептидгидролаза ва моноглицеридлипазалар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** туркестерон ва экдистеронни ўсаётган организм нутриентларининг бўшлиқ ва мембрана гидролизига меъёрда ва муддатидан олдин она сутидан ажратилганда таъсири хисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари** Диссертация тадқиқотларини амалга оширишда физиологик (фитоэкдистероидларни юбориш ва муддатидан олдин она сутидан ажратиш моделлари), биокимёвий (ҳазм гидролазалар фаоллигини аниқлашда фотокалориметрия ва титрометрия) ва статистик усуллардан (Excel ва OriginPro7,5 дастурларидан) фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

фитоэкдистероидларнинг (туркестерон ва экдистерон) ўсаётган организм ингичка ичагида углеводлар, оксиллар ва ёғларнинг гидролизиди иштирок этувчи панкреатик ва энтерал гидролитик тизимида матурацион самараси аниқланган;

ўсаётган организм муддатидан олдин она сутидан ажратилганда нутриентлар бўшлиқ ва мембрана гидролизиди силжишларни коррекциялаш учун туркестероннинг қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги асосланган;

туркестероннинг ўсаётган каламушларда ва бройлер жўжаларида тана массасининг ўсиш суръатларига, меъда ости бези ва ингичка ичак мукоз қаватининг ўсишига трофик таъсир этиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** статистик ишлов учун ҳайвонлар ва анализлар миқдорининг етарлилиги, адекват усулларнинг қўлланилганлиги, бирламчи информацияни олиш ва қайта ишлаш учун кўп экспериментларда синалган усулларни қўлланганлиги ва олинган

натижаларни бошқа мавжуд натижалар билан солиштирганлигига асосланган. Олинган натижалар мавжуд маълумотларга зид эмас. Натижаларни статистик ишловида Exell ҳамда OriginPro7,5 (OriginLab Corporation, АҚШ) дастурлар пакети қўлланилди. Назорат ва тажриба гуруҳдаги каламушлар ўртасида фарқни аниқлаганда Стъюдент муқаррарлик коэффиценти (t) ва фарқларнинг ишонарлик кўрсаткичи (P) аниқланди. Олинган натижаларнинг ишончлигини мутахассислар баҳолари ва уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фитоэкдистероидларнинг (туркестерон ва экдистерон) илгари ёритилмаган ҳазм гидролазаларининг фаоллигини оширишда ифодаланувчи биологик хусусиятлари ҳамда экзоген фитоэкдистероидлар муддатидан олдин она сутидан ажратилган ҳайвонларда панкреатик ва энтерал гидролитик тизимларида келиб чиқадиган салбий силжишларни меъёрлаштириши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фитоэкдистероидларни муддатидан олдин она сутидан ажратилган ҳайвонларни катталар озукасига ўтишида адаптациясини эртароқ таъминлаши ичак шиллик қавати гипотрофиясини олдини олишда, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини тирик массасини оширишда, ҳамда эмизикли оналар гиполактациясида чақалоқларнинг катталар озукасига адаптация суръатларини тезлаштириш учун фойдаланиш мумкинлигида ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фитоэкдистероидларни меъёрда ва стресс ҳолатларда перорал берилиши натижасида илк постнатал онтогенезда меъда-ичак трактининг гидролитик тизимида таъсири бўйича олинган илмий натижалар:

экдистероннинг таъсирида ингичка ичакда углеводлар метаболизмини стабиллашуви натижасида хўжайравий, физиологик ва биокимёвий жараёнлари ФА-Ф5-Т084 рақамли «Митохондриялар ион транспорти ва метаболик жараёнлар биорегуляторларининг меъёр ва патологиядаги таъсирини тавсифлаш» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида хўжайра физиологик ва биокимёвий жараёнларни бошқарилишида митохондриялар  $Ca^{2+}$ га боғлиқ мегеканал тутган ўрнини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 17 апрелдаги 4/1255-959-сон маълумотномаси). Натижада экдистерон препарати митохондрияларда  $Ca^{2+}$ га боғлиқ мегеканал фаоллигини ингибирлаб, мембранани ва хўжайравий жараёнларни стабиллаштириш имконини берган;

туркестерон ва экдистерон препарати Андижон вилояти Асака тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 11 июндаги 02/026-129-сон маълумотномаси). Натижада фитоэкдистероидлар таъсирида жўжаларни адаптоген хусусиятларини ва жўжаларни ҳаётчанлик даражасини ошириш имконини берган.

Жўжаларни парваришlashда фитоекдистероид препаратларини перорал равишда берилиши Андижон вилояти Асака тумани “Кўнғирот Ғазинаси” ва “Агромеханизатор” фермер хўжаликларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 11 июндаги 02/026-129-сон маълумотномаси). Натижада фитоекдистероидларнинг қўлланилиши паррандаларда озуқаларни ассимиляцияси яъни истеъмоли ва тана вазнини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та ҳалқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, жумладан 6 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.


**Диссертация ишининг тузилиши ва хажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг хажми 95 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.**

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ҳазм гидролазаларининг онтогенезда ривожланиши ва уни бошқарувчи омиллар”** деб номланган биринчи бобида ингичка ичакда углеводлар, оқсиллар, ёғларни ҳазм бўлишида иштирок этувчи гидролазалар ҳақида ҳозирги замон тасаввурлари, сутэмизувчиларни гидролитик системасини ривожланиши ва фитоекдистероидларни одам ва ҳайвонлар организмига таъсири ҳақида замонавий адабиёт маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг “Фитоэкдистероидлар таъсирида нутриентлар ҳазмини тадқиқ этишда экспериментал ёндашувлар” деб номланган



1-расм Туркестерон (чапда) ва экдистерон (ўнгда) структура формуласи


иккинчи бобида эксперимент ҳайвонлари, фитоэкдистероидларни таснифи (1-расм) ва тажрибалар схемаси, меъда ости беши ва ингичка ичакда биологик препаратларни тайёрлаш техникаси, препаратларни инкубациялаш шароитлари, меъда ости беши ва ингичка ичак ферментлар фаоллигини аниқлаш усуллари ва олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш усуллари келтирилган. Панкреатик  $\alpha$ -амилаза (КФ3.2.1.1), протеазалар комплекси, триглицеридлипаза (КФ 3.1.1.3) ва энтерал мальтаза (КФ 3.2.1.20), сахараза (КФ 3.2.1.48), лактаза (КФ 3.2.1.23), глицил-L-лейцин дипептидгидролаза (КФ 3.4.13.2) ва триглицеридлипаза (КФ 3.1.1.23) ҳамда олинган натижаларнинг статистик қайта ишлаш усуллари берилди.

Тажрибалар уч босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда каламушлар туғилгандан бошлаб 30 кунгача, яъни каламушларнинг она сути билан, аралаш ва мустақил озикланишга ўтганда панкреатик ва энтерал ферментларнинг ривожланиш динамикаси ўрганилди. Тажрибаларнинг иккинчи босқичида фитоэкдистероидларни перорал берилиши (2 мг/кг/24) 10 кун давомида (постнатал ҳаётнинг 10 кунидан 20 кунигача) нутриентларни ингичка ичакдаги бўшлиқ ва мембрана ҳазмига таъсири ўрганилди. Учинчи босқичда муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларга туркестероннинг бошланғич ва сўнгги босқичларда нутриентлар гидролизига таъсири ўрганилди.

Диссертациянинг “Постнатал онтогенезда ҳазм тизимининг бўшлиқ ва мембрана гидролизини ривожланиши” деб номланган учинчи бобида аниқландики, каламушлар лактотроф озикланиш даврида она сути таркибидаги лактозани парчаловчи лактазининг фаоллиги юқори бўлиб, панкреатик ва ичак  $\alpha$ -глюкозидазалар ( $\alpha$ -амилаза, мальтаза, сахараза), протеазалар (панкреатик протеазалар комплекси ва глицил-L-лейцин дипептидгидролаза), липазалар (триглицерид- ва моноглицеридлипаза) фаоллиги эса суст ифодаланган. Каламушлар мустақил озикланишга ўтгандан кейин, аксинча  $\beta$ -галактозидазининг (лактаза) фаоллиги камайиб,  $\alpha$ -глюкозидазалар, протеазалар ва липазалар фаоллиги ортиб боради.

Демак, каламушларнинг лактотроф озикланиш вақтида ингичка ичакнинг гидролитик хуусусиятлари тўла она сутидаги лактозани ўзлаштиришга

мослашган. Каламушлар аралаш ва дефинитив озуқага ўтгандан кейин лактазанинг фаоллиги камайиб, катталар озуқасидаги субстратларни парчалашда иштирок этувчи ферментлар фаоллиги эса ортиб боради (2-расм).



2-расм. Илк постнатал онтогенезда каламушларда панкреатик (чапда) ва энтерал (ўнгда) ферментлар специфик фаоллигини ривожланиши ( $M \pm m$ ,  $n=6-7$ )

Диссертациянинг “Фитоэкдистероидларнинг нутриентлар гидролизига таъсири” деб номланган тўртинчи бобда углеводлар, оксиллар ва ёғларнинг бўшлиқ ва мембрана гидролизидида иштирок этувчи ферментларнинг специфик ва интегротив фаоллигини аниқлаш асосида ўрганилди.

*Бўшлиқ ҳазми.* Туркестеронни каламушларга берилиши натижасида меъда ости безида 15, 20 ва 25 кунлик каламушларда  $\alpha$ -амилазани специфик фаоллиги 127,8; 82,2 ва 33,1% га, экдистерон берилган ҳайвонларда эса ферментнинг специфик фаоллиги постнатал ҳаётнинг 15-20-кунидида 59,7%; 45,0% га назорат катталиқларга нисбатан ортди. Кейинги ёш даврларида ҳайвонларнинг тажриба гуруҳларида назоратга нисбатан фермент фаоллигининг ўзгариши кузатилмади.

Меъда ости безидаги протеазалар комплексининг фаоллиги 15, 20 ва 25 кунлик каламушларга перорал туркестерон берилганда назорат катталиқларига нисбатан мувофиқ равишда 62,8; 31,1 ва 15,6% га, перорал равишда экдистерон берилган 15 кунлик каламушларда эса фермент фаоллиги 38,4% га ошди. Тажрибанинг қолган муддатларида назорат ва тажриба гуруҳидаги каламушлар ўртасида статистик жиҳатдан ишонарли фарқлар қайд этилмади.


Триглицеридлипазани специфик фаоллиги 15 кунлик каламушларда туркестерон таъсирида 26,7% га, экдистерон таъсирида эса 23,1% га ошди. Кейинги ёш даврларида фермент фаоллиги сезиларли даражада ўзгармади (1-жадвал).

**Фитоэкдистероидларни бўшлиқ ҳазмида иштирок этувчи ферментларнинг специфик фаоллигига таъсири (M±m; n=6-7)**

Берилган препарат	Каламушларни ёши, кунларда				
	10	15	20	25	30
<b>α-Амилаза (г/мин/г оқсил)</b>					
Назорат	11,0±1,6	16,8±2,0	84,9±8,7	133,2±13,2	148,6±14,9
Туркестерон	-	38,2±1,7	155,2±11,8	177,4±5,7	166,3±13,6
P		<0,001	<0,001	<0,01	>0,5
Экдистерон	-	26,8±1,0	123,0±16,2	142,0±6,0	154,1±15,4
P		<0,001	<0,05	>0,5	>0,5
<b>Протеазалар комплекси (мкмоль/мин/г оқсил)</b>					
Назорат	74,6±11,1	97,9±7,9	158,3±7,3	204,6±5,6	250,9±10,8
Туркестерон	-	159,5±6,8	207,5±4,5	236,7±9,6	270,2±14,4
P		<0,001	<0,001	<0,02	>0,5
Экдистерон	-	135,5±7,1	178,4±2,7	215,0±6,3	283,3±20,4
P		<0,01	>0,05	>0,25	>0,25
<b>Триглицеридлипаза (мкмоль/мин/г оқсил)</b>					
Назорат	156,0±27,8	154,9±2,1	229,1±9,4	258,3±11,9	305,9±9,8
Туркестерон	-	196,3±17,3	244,6±21,3	273,2±35,7	288,7±11,3
P		<0,05	>0,5	>0,5	>0,5
Экдистерон	-	190,7±19,2	240,5±26,4	260,4±18,2	313,3±25,7
P		<0,05	>0,5	>0,5	>0,5

*Интегратив фаоллик:* Фитоэкдистероидлар берилгандан сўнг барча орган оксигенига нисбатан ифодаловчи интегратив фаолликнинг ўзгариши 3-расмда келтирилди. Каламушларга туркестерон берилганда α-амилазанинг интегратив фаоллиги 15 кунликда 2,7 баробар, 20 кунликда 2,1 баробар, 25 кунликда эса 1,6 баробарга ортганлиги аниқланди. Экдистерон берилган 15 ва 20 кунлик каламушларда эса α-амилазани интегратив фаоллиги назорат катталикларга нисбатан 1,8 ва 1,5 баробарга статистик жиҳатдан муқаррар равишда ошди. Иккала тажриба гуруҳидаги ҳайвонларга препарат бекор қилингандан сўнг α-амилазанинг фаоллиги назорат даражасида қайд этилди.

Перорал туркестерон берилган каламушларда протеазалар комплексининг интегратив фаоллиги назорат катталикларига нисбатан 15, 20 ва 25 кунлик каламушларда мувофиқ равишда 1,9; 1,5 ва 1,4 баробарга ошди, экдистерон юборилганларда эса протеазалар комплексининг интегратив фаоллиги назорат гуруҳидаги тенгдошларига нисбатан 15 кунлик ҳайвонларда 1,4 баробарга ошишига олиб келди. Туркестерон таъсирида триглицеридлипазани интегратив фаоллиги 15, 20 ва 25 кунлик каламушларда мувофиқ равишда 1,5; 1,6 ва 1,2 баробарга ошди. Экдистерон таъсирида эса 15 кунликларда ферментнинг интегратив фаоллиги 1,4 баробарга ошди. Экспериментларнинг кейинги муддатларида фитопрепаратларни матурацион эффекти кузатилмади.



**3-расм. Фитоэктистероидларни бўшлиқ ҳазмида иштирок этувчи ферментларнинг интегротив фаоллигига таъсири ( $M \pm m$ ;  $n=6-7$ ).**

\* -  $<0,05$ ; \*\* -  $0,01$ ; \*\*\* -  $<0,001$ .

*Мембрана ҳазми.* Каламушларга фитоэктистероидлар берилгандан кейин энтерал мембранага боғлиқ дисахаридазаларнинг специфик фаоллигининг ўзгариши бўйича натижалар 2 жадвалда кўрсатилди.

Каламушларга туркестерон перорал берилганда мальтазани специфик фаоллиги 15, 20 ва 25 кунлик каламушларда назорат катталикларга нисбатан мувофиқ равишда 54,7; 45,7 ва 34,6% га ошишига олиб келди, эктистерон берилганда эса мебмальтазани фаоллиги 15 кунликларда 25,2% га ва 20 кунликларда 19,1% га ортиши кузатилди. Кейинги ёш даврларида эктистероннинг мальтаза фаоллигига таъсири қайд этилмади.

Экзоген туркестероннинг таъсирида сахаразанинг специфик фаоллиги ошиши 15 кунлик каламушларда меъёр кўрсаткичларига нисбатан 148,1%, 20 кунлик каламушларда 51,8% ва 25 кунлик каламушларда эса 25,1% га кўтарилди. Постнатал ҳаётнинг 30 кунда фитогормоннинг эффекти кузатилмади. Эктистероннинг юборилиши 15 кунлик каламушларда сахаразанинг фаоллиги 119,8%; 20 кунликда 65,8%, 25 кунликда эса 14,1% га назорат гуруҳидаги ҳайвонларга нисбатан ортишига олиб келди. Мустақил озикланишга ўтган каламушларда фитогормоннинг индукцияловчи эффекти кузатилмади.

Фитоэктистероидлар юборилган каламушларда лактазани специфик фаоллиги бутун текширув давомида назорат даражасида қайд этилди.

Туркестеронни перорал юборилиши каламушларда глицил-L-лейцин-дипептидгидролазанинг специфик фаоллиги 15, 20, 25 кунлик каламушларда мувофиқ равишда 36,7; 38,4 ва 27,0% га ошди. Эктистероннинг юборилиши 15 ва 20 кунлик каламушларда фермент фаоллигини мувофиқ равишда 16,1 ва 20,6% га оширди. Каламушлар постнатал ҳаётининг 30-кунда фермент фаоллиги иккала фитоэктистероид таъсирида назорат катталиклари даражасида қайд этилди.


**Фитоэкдистероидларнинг мембрана ҳазмида иштирок этувчи ферментларнинг  
специфик фаоллигига таъсири (мкмоль/мин/г оксил; M±m; n=6-7)**

Берилган препарат	Каламуш ёши, кунларда				
	10	15	20	25	30
<b>Мальтаза</b>					
Назорат	60,8±3,0	104,9±7,9	206,5±15,2	243,8±8,5	293,7±16,1
Туркестерон	-	162,3±20,1	300,9±20,1	328,1±0,7	314,3±14,7
P		<0,001	<0,002	<0,001	>0,5
Экдистерон	-	131,3±15,8	246,1±11,8	260,5±9,8	296,1±16,4
P		<0,01	<0,05	>0,1	>0,5
<b>Сахараза</b>					
Назорат	2,9±0,5	10,6±0,6	49,8±2,6	69,2±0,8	76,3±6,0
Туркестерон	-	26,3±2,9	75,6±2,8	86,6±0,4	80,6±4,7
P		<0,001	<0,001	<0,001	>0,25
Экдистерон	-	23,3±1,7	82,6±4,7	79,0±3,8	84,9±4,7
P		<0,001	<0,001	<0,05	>0,25
<b>Лактаза</b>					
Назорат	96,1±3,5	67,2±5,8	39,8±3,0	31,2±1,0	22,8±1,9
Туркестерон	-	72,9±2,2	38,0±5,6	27,6±2,1	20,5±2,3
P		>0,25	>0,5	>0,5	>0,1
Экдистерон	-	73,1±5,1	37,0±5,6	28,0±3,5	19,2±1,2
P		>0,25	>0,05	>0,25	>0,5
<b>Глицил-L-лейцин дипептидгидролаза</b>					
Назорат	94,0±5,3	138,6±8,5	204,0±16,3	248,2±16,5	254,6±15,7
Туркестерон	-	189,5±8,4	282,4±9,8	234,4±23,6	261,1±23,9
P		<0,001	<0,001	<0,001	>0,2
Экдистерон	-	161,3±6,2	246,1±11,8	243,9±9,4	268,3±8,3
P		<0,05	<0,05	>0,5	>0,5
<b>Моноглицеридлипаза</b>					
Назорат	171,1±14,4	180,1±13,8	237,3±20,2	248,2±16,5	254,6±15,7
Туркестерон	-	243,8±25,8	227,3±5,9	234,4±23,6	279,6±14,6
P		<0,01	>0,5	>0,5	>0,5
Экдистерон	-	230,1±29,5	226,4±13,0	276,7±28,2	261,1±15,2
P		<0,01	>0,5	>0,1	>0,5

Моноглицеридлипазанинг специфик фаоллиги туркестерон берилган 15 кунлик каламушларда 35,3% га, экдистерон берилганларда эса 27,8% га ортди. Ёши катгароқ ҳайвонларнинг ҳар иккала гуруҳида фермент фаоллиги назорат даражасида қайд этилди.

Шундай қилиб, ўсаётган каламушларга фитоэкдистероидларнинг перорал берилиши специфик энтерал α-глюкозидазалар (мальтаза, сахараза) глицил-L-лейцин-дипептидгидролазаларни фаоллигини сезиларли даражада ортишига, моноглицеридлипазанинг фаоллигини кам ўзгартиришига олиб келди, лактаза фаоллиги эса ўзгармади.

*Интегратив фаоллик.* Каламушларга 10 кун давомида туркестерон берилганда энтерал ферментларнинг интегратив фаоллиги специфик фаолликка нисбатан индукцияси яққолроқ намоён бўлди (4-расм).



4-расм. Фитоэкдистероидларни мембрана ҳазмида иштирок этувчи ферментларнинг интегратив фаоллигига таъсири ( $M \pm m$ ;  $n=6-7$ )

\*-  $<0,05$ ; \*\* -  $0,01$ ; \*\*\* -  $<0,001$

Ҳайвонларга туркестерон берилгандан сўнг мальтазани интегратив фаоллиги 15, 20, 25 кунлик каламушларда мувофиқ равишда 1,4; 1,8 ва 1,3 баробарга ошди. Экдистерон таъсирида эса мальтазани интегратив фаоллиги 15 ва 20 кунлик каламушларда 1,4 баробарга ошди. Препарат бекор қилингандан кейин унинг таъсири қайд этилмади.

15, 20 ва 25 кунлик каламушларга туркестеронни перорал берилиши сахаразанинг интегратив фаоллигини 1,4; 1,8 ва 1,3 баробарга ошишига олиб келди. 30 кунлик каламушларда эса назорат ва тажриба гуруҳидаги кўрсаткичлар тенглашди. Экдистерон берилган каламушларда интегратив сахаразанинг фаоллиги 15 кунликларда 1,2 баробарга, 20 кунликларда 1,9 баробарга ошди, 25 ва 30 кунлик каламушларда у назорат катталиклардан фарқ қилмади.

Лактазанинг интегратив фаоллиги экзоген туркестерон ва экдистерон таъсирида 15 кунлик каламушларда бир хил даражада, яъни 1,2 баробарга ошди. Ҳайвонларни кейинги ёш даврларида тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқлар кузатилмади.

Туркестерон берилган каламушларда глицил-L-лейцин-дипептидгидролазанинг интегратив фаоллиги 15, 20, 25 кунликларда мувофиқ равишда 2,0; 1,7 ва 1,1 баробарга ортди. 30 кунлик каламушларда эса фермент фаоллиги назорат меъёрларида қайд этилди. Экзоген экдистерон таъсирида 15 ва 20 кунлик каламушларда глицил-L-лейцин-дипептидгидролазанинг фаоллиги мувофиқ равишда 1,7 ва 1,1 баробарга ошишига олиб келди. Мустақил озикланишга ўтаётган даврда фитопрепарат эффекти қайд этилмади.

Фитоэкдистероидлар юборилганда моноглицеридлипазанинг интегратив фаоллиги фақат 15 кунлик каламушларда ўзгарди. Фермент фаоллиги туркестерон берилганда 1,6 баробарга, экдистерон берилганда эса 1,4 баробарга ошди.

Ўсаётган каламушларга фитоэкдистероидлар перорал берилганда уларнинг тана ва ҳазм органлар массасининг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар 3-жадвалда берилди. Кўриниб турибдики, тана, меъда ости бези ва ингичка ичакнинг мукоз қават массаси мувофиқ равишда назорат катталикларига нисбатан 15,7; 19,4 ва 7,3% га ошди. Экзоген экдистерон таъсирида эса тана массаси 9,5% га, меъда ости безининг массаси 12,4% ва ингичка ичакнинг мукоз қават массаси 10,5% га назорат катталикларга нисбатан ошди.

3-жадвал

**Фитоэкдистероидларни 20-кунлик каламушларнинг тана ва ҳазм органлари массасига таъсири ( $M \pm m$ ;  $n=6-8$ )**

Кўрсаткич	Ҳайвон гуруҳлари	$M \pm m$	%
Тана массаси (г)	Назорат	29,3±1,2	100
	Туркестерон	33,9±1,7*	115,7
	Экдистерон	32,1±1,7*	109,5
Меъда ости безининг массаси (мг)	Назорат	123,3±6,6	100
	Туркестерон	147,2±9,1*	119,4
	Экдистерон	138,6±10,4*	112,4
Ингичка ичакнинг сероз қават массаси(мг)	Назорат	400,6±13,0	100
	Туркестерон	349,6±14,6	87,2
	Экдистерон	391,2±20,4	97,6
Ингичка ичакнинг мукоз қават массаси (мг)	Назорат	475,6±13,5	100
	Туркестерон	510,6±10,7*	107,3
	Экдистерон	525,6±17,7*	110,5

Экспериментларнинг бир қисмида бройлер жўжаларининг морфометрик кўрсаткичларга туркестероннинг таъсири ўрганилди (4-жадвал).

4-жадвал

**Туркестероннинг 30 кунлик бройлер жўжалар тана ва ҳазм органлари массасига таъсири ( $M \pm m$ ;  $n=6$ )**

Кўрсаткич	Ҳайвонлар гуруҳи	$M \pm m$	%
Тана массаси (г)	Назорат	765,7±8,3	100,0
	Туркестерон	780,9±8,9*	107,2
Меъда ости безининг массаси (мг)	Назорат	3,2±0,1	100,0
	Туркестерон	3,8±0,2*	119,6
Ингичка ичак сероз қават массаси (мг)	Назорат	20,4±1,5	100,0
	Туркестерон	21,3±1,1	104,4
Ингичка ичак мукоз қават массаси (мг)	Назорат	28,5±1,4	100,0
	Туркестерон	35,4±1,2***	124,2

Жўжаларга 10 кун давомида туркестероннинг перорал берилиши тана массасини 7,2% га, меъда ости безининг массасини 19,7% га ва ингичка ичакнинг мукоз қават массасини 24,2% га назорат катталикларга нисбатан ортишига олиб келди.

Диссертациянинг “Муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларнинг нутриентлар гидролизига туркестероннинг таъсири” деб номланган бешинчи бобида муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларни ингичка ичак ҳазм гидролазаларини специфик ва интегратив фаоллигига туркестеронни таъсири ўрганилди.

*Бўшлиқ гидролизи.* Меъда ости безида  $\alpha$ -амилазанинг специфик ва интегратив фаоллиги муддатидан олдин мустақил озикланишга ўтган каламушларда мувофиқ равишда назорат гуруҳидаги ҳайвонларга нисбатан 30,6% ва 58,0% га ошди. Муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларга туркестерон берилганда  $\alpha$ -амилазанинг специфик фаоллиги назорат кўрсаткичларига яқинлашди. Интегратив фаоллик бундай вазиятда назоратга нисбатан 28,5% га юқорилигича қолди, аммо эртароқ мустақил озикланишга ўтган ҳайвонларга нисбатан камроқ ифодаланди (5-жадвал).

5-жадвал

**Муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларнинг панкреатик ферментлар фаоллигига туркестероннинг таъсири  
( $M \pm m$ ,  $n=6-7$ )**

Фермент фаоллиги	Назорат	МООСА		МООСА+ТК	
	$M \pm m$	$M \pm m$	P	$M \pm m$	P
Специфик фаоллик (г/мин/г оксил)					
$\alpha$ -Амилаза	95,8 $\pm$ 7,9	124,9 $\pm$ 10,1	<0,05	105,6 $\pm$ 3,6	>0,1
Протеазалар комплекси	108,2 $\pm$ 4,5	143,0 $\pm$ 11,3	<0,01	141,1 $\pm$ 3,9	<0,01
Триглицеридлипаза	227,0 $\pm$ 39,0	190,3 $\pm$ 13,5	>0,5	227,4 $\pm$ 3,4	>0,1
Интегратив фаоллик (г/мин/орган оксили)					
$\alpha$ -Амилаза	1,5 $\pm$ 0,1	2,3 $\pm$ 0,2	<0,01	1,9 $\pm$ 0,1	<0,01
Протеазалар комплекси	1,6 $\pm$ 0,1	2,3 $\pm$ 0,3	<0,01	1,7 $\pm$ 0,4	>0,5
Триглицеридлипаза	2,8 $\pm$ 0,1	3,4 $\pm$ 0,4	>0,5	3,0 $\pm$ 0,4	>0,5

Мазкур ва кейинги жадвалларда \*МООСА – муддатидан олдин она сутидан ажратиш; \*\*МООСА+ТК – муддатидан олдин она сутидан ажратиш негизида туркестерон берилган каламушлар

Муддатидан олдин она сутидан ажратилган ҳайвонларда специфик ва интегратив протеазалар комплексининг фаоллиги назорат катталикларига нисбатан мувофиқ равишда 32,3% ва 48,1% га ортди.

Триглицеридлипазанинг специфик фаоллиги иккала тажриба гуруҳларида назорат даражасида қайд этилди. Муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларда ферментнинг интегратив фаоллиги 20,0% га ортди, бироқ туркестерон берилганда муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларда ферментнинг интегратив фаоллиги назорат даражасида қайд этилди.

Ферментлар фаоллигини ўзгариш негизида ҳазм органларидаги оксилнинг миқдори ҳам ўзгарди. Муддатидан олдин мустақил озикланишга

ўтган каламушларда специфик ва интегратив оксил миқдори назорат даражасида қайд этилди, муддатидан олдин она сутидан ажратиш негизида туркестерон берилган ҳайвонларда специфик ва интегратив оксил миқдори 1,2 баробарга ошди (5-жадвал).

*Мембрана гидролизи.* Специфик мальтаза, сахараза, лактаза, глицил-L-лейцин-дипептидгидролазалар фаоллиги иккала тажриба гуруҳидаги каламушларда назорат даражасида қайд этилди. Муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларда моноглицеридлипазани специфик фаоллиги 26,2% га камайди, бироқ шу негиздаги каламушларга туркестерон берилганда ферментнинг фаоллиги 14,3% га ортди.

Мальтазани интегратив фаоллиги муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларда 34,9% га камайди, эртароқ мустақил озикланишга ўтиш негизида каламушларга туркестерон берилганда фермент фаоллиги назорат кўрсаткичларига яқинлашди. Сахаразани интегратив фаоллиги муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларда 40,3% га камайди, она сутидан ажратилган каламушларга туркестерон берилганда сахаразани фаоллиги назорат даражасига яқинлашди. Индивидуал ҳаёт давомида камаювчи лактазани интегратив фаоллиги эртароқ мустақил овқатланишга ўтган каламушларда 33,3% га камайди, муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларга туркестерон берилганда ферментнинг фаоллиги назорат даражасида қайд этилди. Глицил-L-лейцин дипептидгидролазани интегратив фаоллиги биринчи тажриба гуруҳида 42,5% га камайди, иккинчи тажриба гуруҳида назорат даражасида қайд этилди. Моноглицеридлипазани интегратив фаоллиги муддатдан олдин она сутидан ажратилган каламушларда 48,6% га камайди, бу негиздаги ҳайвонларга туркестерон берилганда фермент фаоллиги назорат даражасида қайд этилди (6-жадвал).

6-жадвал

**Муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларнинг энтерал ферментлар специфик ва интегратив фаоллигига туркестероннинг таъсири (M±m, n=6-7)**

Ферментлар	Ҳайвон гуруҳлари				
	Назорат	МООСА	P	МООСА+ТК	P
Специфик фаоллик (мкмоль/мин/г оксил)					
Мальтаза	246,0±9,7	245,1±2,9	>0,5	262,0±11,8	>0,1
Сахарараза	46,5±1,1	42,9±5,6	>0,5	48,3±4,4	>0,1
Лактаза	17,3±1,5	16,9±0,7	>0,5	19,08±1,1	>0,1
Глицил-L-лейцин дипептидгидролаза	303,2±11,1	263,9±18,0	>0,1	301,3±14,4	>0,5
Моноглицеридлипаза	358,0±11,9	264,1±20,4	<0,001	409,3±16,0	<0,05
Интегратив фаоллик (г/мин/орган оксими)					
Мальтаза	12,6±1,2	8,2±0,4	<0,001	10,9±0,9	>0,1
Сахарараза	2,4±0,1	1,4±0,2	<0,05	2,0±0,2	>0,1,
Лактаза	0,9±0,1	0,6±0,1	<0,05	0,8±0,1	>0,05
Глицил-L-лейцин дипептидгидролаза	15,3±1,61	8,8±1,0	<0,01	12,4±1,0	>0,1

Моноглицеридлипаза	18,1±1,9	8,8±1,9	<0,001	16,9±1,3	>0,5
--------------------	----------	---------	--------	----------	------

Шундай қилиб, ўсаётган каламушларни муддатидан олдин она сутидан ажратиш деярли барча энтерал ферментларини интегротив фаоллигини камайишига олиб келади. Мустақил озикланишга эртароқ ўтишда каламушларга туркестеронни юборилиши ингичка ичакдаги асосий озуқа нутриентларини ҳазм бўлиш қобилятини деярли тўлиқ тиклайди.

Муддатидан олдин она сутидан ажратилган ҳайвонларда ферментлар фаоллигидаги силжишлар тана ва ҳазм органларининг айрим морфометрик кўрсаткичларида ҳам ўз аксини топди (7 жадвал).

7-жадвал

**Муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларнинг тана, меъда ости бези ва ингичка ичак массасига туркестероннинг таъсири (M±m, n=6-7)**

Кўрсаткичлар	Назорат	МООСА	P	МООСА+ТК	P
Масса					
Тана (г)	31,0±0,8	25,8±1,6	<0,01	30,3±6,5	>0,5
Меъда ости бези (мг)	115,2±2,2	123,0±5,0	<0,01	125,2±0,6	<0,001
Ингичка ичак (мг)	1016,3±41,2	800,2±41,4	<0,01	936,6±10,2	<0,001
Сероз қават (мг)	468,5±19,4	386,8±21,2	<0,01	438,2±13,4	>0,25
Мукоз қават (мг)	557,6±24,1	413,4±12,9	<0,001	498,4±10,8	<0,05

Муддатидан олдин она сутидан ажратилган 21-кунлик каламушларда тана массаси 16,8%, ингичка ичак массаси 21,3%, сероз қавати 17,4% ва мукоз қавати 25,1% га камайишига олиб келди, меъда ости безининг массаси аксинча, бу гуруҳдаги каламушларда 12,8% га ортди. Муддатидан олдин она сутида ажратиш негизидаги каламушларга туркестеронни юборилиши тана, меъда ости бези ва ингичка ичак масса кўрсаткичларини меъёр катталикларига яқинлаштирди.

Шундай қилиб олинган натижалардан маълумки, муддатидан олдин она сутидан ажратиш углеводлар, оксиллар ва ёғлар ҳазмида иштирок этувчи интегротив ферментлар фаоллигини ва ингичка ичак шиллик қават массасининг камайиши билан боғлиқ. Муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларга туркестеронни берилиши тана ва ингичка ичак массаларини ўсиш суръатларини тиклайди. Демак, фитоэқдистероидлар муддатидан олдин она сутидан ажратилган ҳайвонларда овқат ҳазм қилиш тизимини ривожланишида келиб чиқадиган салбий ўзгаришларни нейтраллайди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Нутриентларнинг бўшлиқ гидролизида иштирок этувчи ферментларнинг ривожланиш динамикаси илк постнатал онтогенезда қонуний равишда ўзгаради. Панкреатик ферментлар фаоллиги ( $\alpha$ -амилаза, протеазалар комплекси, триглицеридлипаза) каламушлар туғилгандан кейин нисбатан суст ифодаланган бўлиб, она сутидан ажралганда кескин ортиб боради ва мустақил озуқага ўтгандан кейин юқори даражада сақланади.

2. Нутриентларнинг мембрана гидролизидида иштирок этувчи кўпчилик ферментлар фаоллиги (мальтаза, сахараза, глицил-L-лейцин дипептидгидролаза ва моноглицеридлипаза) лактотроф даврида суст ифодаланган бўлиб, каламушлар аралаш озуқага ўтганда оша бошлайди ва дефинитив озикланиш даврида максимал катталикларга етиб боради. Энтерал лактазанинг фаоллиги эса, аксинча, каламушлар фақат она сутини истеъмол қилганда юқори даражада ифодаланган бўлиб, мустақил озикланишга ўтганда энг паст даражада қайд этилади.
3. Туркестерон ва экдистерон препарати перорал (2мг/кг/24 с) такрорий берилиши ўсаётган каламушларни меъда ости бешида  $\alpha$ -амилаза, протеазалар комплекси, триглицеридлипазаларни фаоллигини муддатидан олдин ошишига олиб келади. Туркестероннинг ферментлар фаоллигига матурацион эффекти экдистеронга нисбатан яққолроқ ифодаланади.
4. Ўсаётган каламушларда экзоген фитоэкидстероидлар таъсирида энтерал лактазани фаоллиги ўзгармаслиги негизида ингичка ичакдаги мальтаза, сахараза, глицил-L-лейцин-дипептидгидролаза ва моноглицеридлипазалар фаоллиги муддатидан олдин ошади. Энтерал мембранага боғлиқ бўлган ферментларнинг реактивлиги туркестеронда экдистеронга нисбатан кўпроқ ифодаланади.
5. Фитоэкидстероидларнинг таъсирида ингичка ичакнинг углевод, оксил ва ёғларга нисбатан гидролитик сифимининг ортиши, ўсаётган каламушларда, тана массаси ҳамда меъда ости беши ва ингичка ичак шиллиқ қават массасининг ортиши негизида рўй берди. Туркестероннинг берилиши бройлер жўжаларида ҳам тана ва меъда ости беши массасини ошишига олиб келади ва ингичка ичак шиллиқ қават массасига трофик таъсир кўрсатади.
6. Муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларда углеводлар, оксиллар ва ёғлар гидролизидида иштирок этувчи панкреатик ва энтерал ферментлар фаоллигининг силжишига олиб келади, ҳамда тана массаси ва ингичка ичак шиллиқ қаватини ўсиш суръатларига тормозловчи таъсир кўрсатади.
7. Муддатидан олдин она сутидан ажратилган каламушларга туркестеронни берилиши панкреатик ( $\alpha$ -амилаза, протеазалар комплекси, триглицеирдлипаза) ва энтерал гидролазаларнинг (мальтаза, сахараза, глицил-L-лейцин дипептидгидролаза, моноглицеридлипаза) специфик ва интегратив фаоллигини назорат катталикларига яқинлаштиради. Яъни ўсаётган ҳайвонларга эртароқ мустақил озикланишга ўтганда туркестеронни берилиши ингичка ичакда углеводлар, оксиллар ва ёғлар гидролитик тизимларини катталар озуқасини ўзлаштиришда адаптациясини тезлаштиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.В.38.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИКРОБИОЛОГИИ  
И НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**  

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**КИМСАНОВА ГУЛНОРАХОН АБДУРАШИДОВНА**

**ВЛИЯНИЕ ФИТОЭКДИСТЕРОИДОВ НА АССИМИЛЯЦИЮ  
НУТРИЕНТОВ У РАСТУЩЕГО ОРГАНИЗМА**

**03.00.08 – Физиология человека и животных**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD.B203.**

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([microbio@academy.uz](mailto:microbio@academy.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Кучкарова Любовь Салижановна</b> доктор биологических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Матчанов Азат Таубалдиевич</b> доктор биологических наук, профессор
	<b>Шахмурова Гульнара Абдуллаевна</b> доктор биологических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится “\_\_\_”2018 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.B.38.01 при Институте Микробиологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Кадырий 7б, конференц-зал Института микробиологии. 5 этаж. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail:microbio@academy.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистрировано под №\_\_\_). Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Кадырий 7б, Административное здание Института Микробиологии, 5-й этаж, библиотека. Тел.: (+99871) 241-92-28.

Автореферат диссертации разослан: «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018г.  
(реестр протокола рассылки № «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018)

**Арипов Тахир Фатихович**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., профессор, академик АН РУз

**Жураева Рохила Назаровна**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, к.б.н.

**Рахимова Тўрахон Узаковна**  
Председатель научного семинара при Научном  
Совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире, питание и формирование функции пищеварения, а также обеспечение развивающегося организма необходимыми нутриентами имеет большое значение, т.к. сохранение здоровья, темпы роста и развития, физическая и умственная работоспособность организма зависят от качества питания и эффективности процессов пищеварения. В раннем онтогенезе из-за чрезвычайной подверженности пищеварительной системы к различным социальным и техногенным влияниям, способность организма усваивать питательные вещества сдвигается. Нарушение пищеварительных процессов у растущего организма негативно влияет на все функциональные системы, здоровье и работоспособность в последующие периоды жизни. В этой связи исследование физиологического влияния и фармакологического воздействия растительных лекарственных веществ, используемых в медицине, имеет научное и практическое значение.

Во многих научных центрах мира, выявлению фитопрепаратов, нейтрализующих негативные влияния алиментарных и неалиментарных факторов на организм и обладающих корригирующими свойствами, уделяется особое внимание. Выявлены анаболические, стресспротекторные, антиоксидантные, антирадикальные, бактерицидные, иммунномодулирующие, адаптогенные, гипогликемические и противовоспалительные свойства фитоэкдистероидов. В этой связи, исследование воздействия фитоэкдистероидов на формирование гидролитических систем переваривания углеводов, белков и жиров и оптимизацию ассимиляции основных питательных веществ в норме и в стрессовом состоянии, а также профилактика и коррекция недостаточности пищеварения имеют большое научное и практическое значения.

В Узбекистане разработке широкомасштабных мероприятий по выделению биологически активных веществ из локальных растений и созданию на их основе биопрепаратов уделяется особое внимание. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечаются задачи «... обеспечения биодобавками, витаминами и другими питательными веществами»<sup>2</sup>. В реализации этих задач большое научное и практическое значение имеет исследование влияние фитоэкдистероидов, туркестерона и экдистерона, впервые полученных в республике из *Ajuga turkestanica*, на ассимиляцию нутриентов развивающегося организма.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947, Постановлением Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» ПП-3532,

---

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947

Постановлением Президента Республики Узбекистан от 23 января 2018 г. «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения» ПП-3439, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики - VI. "Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** В настоящее время по всему миру проводятся широкомасштабные исследования в области влияния фитоэкдистероидов на функции клеток и организма. Выявлено адаптогенное и иммуномодулирующее влияние фитоэкдистероидов на метаболизм различных функциональных систем и на клеточный апоптоз Báthori et al., (2008); Denan (2008); Gorelick-Feldman (2015).

В странах СНГ учёными А.А. Ахрем и В.В. Ковганко (1989), В.Н. Дармограй (2001), Н.П. Тимофеевым (2005); Н. Петровой и др. (2011) показано, что растительные экдистероиды оказывают анаболическое, стресспротекторное, антиоксидантное, антирадикальное, бактерицидное, гипогликемическое и противовоспалительное влияние.

В Узбекистане учёными В.Н. Сыровым, Г.А. Шахмуровой, З.А. Хушбаковой и др. выявлены иммуномодулирующее, адаптогенное и метаболостимулирующее влияние отдельных фитоэкдистероидов и их смесей при стрессах, гепатите, токсической анемии, лучевой болезни и гипергликемии (Сыров и др. 2008; 2009; 2012; Шахмурова и др. 2009; 2010; 2011; 2012; 2013; 2016).

